



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
«O'ZBEK GEOLOGIYA QIDIRUV» AKSIYADORLIK JAMIYATI

BUYRUG'I

2022 yil “28” 10

129 – son

Toshkent shahri

**“Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамиятининг
ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 595-сон қарори, ҳамда Давлат геология кўмитасининг 2022 йил 19 октябрдаги 140-сонли “Давлат геология кўмитасида одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида,

Б У Ю Р А М А Н:

1. “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамиятининг қуйидаги ички меъёрий ҳужжатлари иловаларга мувофиқ тасдиқлансин:

- Одоб-ахлоқ Кодекси, 1-иловага мувофиқ;
- Одоб-ахлоқ комиссияси таркиби, 2-иловага мувофиқ;
- Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги Низом, 3-иловага мувофиқ.

2. Акциядорлик жамиятининг 2022 йил 31 август кунидаги 102-сон буйруқ билан тасдиқланган 1- 2- 3- иловалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Коррупцияга қарши ички назорат бўлими (Қ.Мажидов) ва Кадрлар ва уларни малакасини ошириш бўлим бошлиғи (М.Очилова) юқорида таъкидланган барча ички меъёрий ҳужжатлар билан Жамият бошқарув аппарати ходимларини таништирсинлар ва улар ўртасида тушунтириш ишларини олиб борсинлар.

4. Жамиятнинг барча таркибий бўлинмалари раҳбарлари ҳамда кадрлар ва уларни малакасини ошириш хизмати мутахассислари томонидан юқорида таъкидланган барча ички меъёрий ҳужжатлар билан Жамият таркибий бўлинмалар ходимларини таништирсинлар ва улар ўртасида тушунтириш ишларини олиб борсинлар.

5. Мазкур буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Бошқарув раиси

М.А.Илхамов